

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 631.11:631.162

ЮЛДАШЕВА ИНОЯТ ЗАКИРЯЕВНА

**СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИ ВА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация**

**Илмий раҳбар:
и.ф.д.,проф. Ибрагимов А.К.**

ТОШКЕНТ-2022

1204

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.	
1.1. СИУларни ташкил қилиш, уларни мақсади ва вазифалари.....	13
1.2. СИУларда бухгалтерия ҳисоби тизимининг назарий ва ҳуқуқий асослари.....	30
1.3. Хориж тажрибаси асосида сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалалари.....	44
II-БОБ. СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ.	
2.1. СИУларда бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари ва кўрсаткичлари таҳлилини ташкилий асослари.....	60
2.2. СИУларда ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва таннархи таҳлилининг ташкилий асослари.....	75
2.3. СИУларда ҳисоб сиёсати ва счетлар режасини хусусиятлари.....	89
III-БОБ. СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ҲИСОБИ ВА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
3.1. СИУларининг молиявий ҳолати ҳисобини ташкил этишни такомиллаштириш.....	100
3.2. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида СИУларда бошқарув таҳлили масалалари.....	107
ХУЛОСА	116
ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	118
ИЛОВАЛАР.....	128

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кейинги йилларда жаҳондаги сув танқислиги сабабли, сув ресурслари тақсимотини тартибга солиш ва эҳтиёжга биноан сувдан самарали фойдаланиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу масалада сувдан самарали фойдаланиш энг аввало унинг ҳисобини ташкил қилиш ва унинг натижалари асосида бошқарув таҳлилинини юритиш, ҳисоб ахборотлари асосида стратегик аҳамиятга ҳамда тактик хусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли сувдан самарали фойдаланишнинг ҳисоби ва таҳлилинини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. “Ҳозирги замонавий тизимлар сув етказиб бериш ҳисобини автоматлаштирилган ҳолда ташкил этиш, томчилаб суғориш тизимини жорий этиш имкониятини беради ва ушбу жараёнларни халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби тизимида ташкил этишнинг заруриятини белгилайди. Бунда сув ресурсларидан фойдаланишнинг ягона, энг яхши йўлини аниқлаш учун белгиланган стандартлардан фойдаланиш муҳимдир. Бу стандартлар материаллар ва меҳнат истеъмолини энг кам даражага келтиришни таъминловчи режани қабул қилиш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади”.¹ Шу боисдан сув хўжаликларининг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотларни молиявий ҳисоботларда акс эттирилишига ҳамда уларни бошқарув таҳлилинини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда сув истеъмолчилари уюшмаларида харажатлар ва сув истеъмоли таннархинини ҳисоби ҳамда бошқарув таҳлилининг назарий ҳамда услубий асосларини такомиллаштириш борасида илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, дунё мамлакатларида сув истеъмолчилари субъектларида сув етказиб бериш харажатлари ва уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархидаги ўрни турли даражада

¹ Сабодырь М. И.1, Корзоватых Ж. М. Управленческий учет в сфере водных ресурсов //Экономические науки. 2018. №4.